

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

УДК: 894.375. (092).

ҚИССАДАН ҲИССАНИНГ ҒОЯВИЙ-ФАЛСАФИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

ИДЕЙНО-ФИЛОСОФСКИЕ ФУНКЦИИ АВТОРСКОГО ВЫВОДА

CONCEPTUAL-PHILOSOPHICAL FUNCTIONS OF THE AUTHOR'S CONCLUSION

М. Саидакбарова

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг нисбатан кам ўрганилган тарихга оид ҳамда эпик асарлари асосида бадиият масалалари, ғоявий-фалсафий жиҳатлар таҳлилга тортилган, тарихий мавзуларнинг замонавийлик хусусиятларига урғу берилган.

Аннотация

В статье анализируются художественные, идеологические и философские аспекты относительно малоизученных исторических и эпических произведений Алишера Навои, подчеркивающих современность исторических тем.

Annotation

The article analyzes the artistic, ideological and philosophical aspects of Alisher Navoi's relatively insufficiently explored historical and epic works, emphasizing the modernity of historical themes.

Таянч сўз ва иборалар: анъана, ўзига хослик, бадиият, тарихий мавзу, замонавийлик, ғоялар умумбашарийлиги, фалсафий-маърифий мақсад, умумлашма хулоса.

Ключевые слова и выражения: традиция, оригинальность, искусство, историческая тема, современность, универсализм идей, философские и образовательные цели, обобщенные выводы.

Keywords and expressions: tradition, originality, art, historical theme, modernity, universalism of ideas, philosophical and educational purposes, generalized conclusions.

Миллий истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни, айниқса, кейинги икки йил давомида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Бу борада халқимизнинг асрий маънавий қадриятларини тиклаш, узоқ ва яқин тарихдаги маданий-адабий меросни мустақиллик мафқураси асосида холис ўрганишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Зеро, Юртбошимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.”[1]

Дарҳақиқат, мумтоз адабиётимизнинг ёрқин сиймолари, айниқса, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий адабий меросига мансуб, яқин ўтмишда кам ўрганилган асарларини янги давр нуқтаи назардан тадқиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Унинг “Тарихи мулуки Ажам” асари шулар жумласидан бўлиб, мазкур асар муаллифи кўз олдимизда шоир ва адибгина эмас,

ўз даврининг пешқадам тарихнависи сифатида ҳам намоён бўлади. Қолаверса, академик А.Қаюмов қайд этганидек, “Алишер Навоий қаламига мансуб ҳар бир асарни, у хоҳ лирик ёки эпик асар бўлсин, хоҳ тарихий мазмунда бўлсин, ҳеч истисносиз, бадиий ижод намунаси, деб қарасак, хато қилмаган бўламиз.”(2)

Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида кенг тарқалган ва бадиий жиҳатдан қайта-қайта ишланган образлар тизими мавжуд. Ҳар бир адиб у ёки бу образга мурожаат қилар экан, ана шу образ орқали ўз ғоялари, воқеликка муносабати, фалсафий-эстетик қарашларини ифодалашга ҳаракат қилган. Жумладан, адолат ва ноҳақлик, эзгулик ва ёвузлик, садоқат ва бевафолик, мардлик ва хоинлик сингари етакчи мавзулар бадиий ифодасида бундай анъанавий образларнинг аҳамияти катта бўлган.

Масалан, Заҳҳок қиссаси Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сида кенг миқёсда бадиий ишланган ёвузлик тимсоли ҳақидаги алоҳида адабий асардир. “Шоҳнома” муаллифи золим Заҳҳокни мамлакатни хароб қилган, ўз нафси ва муроди йўлида

М. Саидакбарова – ҚДПИ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

ҳеч нарсадан қайтмайдиган қаттол ва бешафқат кимса сифатида талқин этган. Қадимги Эрон тарихида зулм ва адолатсизлик борасида ўчмас из қолдирган мазкур ҳукмдор кўплаб бадиий, тарихий асарларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўз ҳаёти мобайнида нафақат улуғ шоир ва мутафаккир, балки улкан давлат арбоби бўлган Алишер Навоий ҳам ўзининг адолатпарварлик маслағи, инсонпарварлик ғояларидан келиб чиқиб, Заҳҳок образига мурожаат қилган. Чунончи, шоирнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида инсоният тарихида машъум из қолдирган мазкур ҳукмдорга алоҳида ўрин ажратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Давлат бошқарувида фаол иштирок этган Навоий халқ учун ҳар қандай зулм офат келтириши, мамлакатни харобаликка етаклаши, тараққиётни барбод қилишини чуқур англаган. “Илкимдин келганча зулм тиғин ушотиб, мазлумлар ярасиға марҳам қўйдим”, дейди шоир бир ўринда. Ана шу принципни ҳаётини шиорига айлантирган Алишер Навоий бадиий-лирик асарларида ҳам зулм ва адолатсизликка қарши ўз қарашларини баён этган. Жумладан, “Вақфия” асарида қуйидаги машҳур рубоийсини келтиради:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.

То зулму ситам жониға бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

(3,24)

Ана шундай инсонпарварлик позициясида туриб, Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да Заҳҳок ҳақидаги маълумотларга ўрин ажратар экан, унга Эрон тарихида машъум из қолдирган ҳукмдор сифатида баҳо беради. Муаллиф мазкур асарнинг тарихий характерда эканлигини назарда тутиб, у ҳақидаги маълумотларни қуйидаги фактлар ва ҳаётини деталлар билан бойитади. “Заҳҳок бинн Мардос чун Жамшид қатлидин сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди. Тенгри таоло Худ алайҳиссаломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул қилмади. Тенгри таоло ани ва қавмини ранжул ақим била ҳалок қилди ва Шаддод ўғли Мазид подшоҳ бўлди. Ва Иброҳим алайҳиссалом анинг замонида эрди. Ва Юсуф алайҳиссалом ҳам анда мутаваллид бўлди (туғилди) ва Худ алайҳиссалом диниға кирди”.(4)

Асарда шундан кейин темирчи Кова бошчилигидаги халқ кўзғолони ва унинг

ихчам тарихий-бадиий тафсилоти ҳам берилади. Бу, албатта, асарнинг илмий-тарихий қимматини ошириш билан бирга, мумтоз адабиётимиз тарихида қиссанависликнинг ўзига хос кўриниши ҳам шакллана бошлаганидан далолат беради.

Аммо Алишер Навоий ўз даври илм-фани даражаси, савиясидан юқори кўтарила олмаслиги табиий эди. Масалан, Заҳҳокнинг елкаларидан иккита илон ўсиб чиқиши, улар ҳар куни иккита ёш йигитнинг мияси билан озиқланиши мифологик тушунчалар ҳамда афсонавий тасаввурлар асосида берилган. Чунончи, Заҳҳокнинг минг йил салтанатни бошқарганлигини ҳам шундай ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Аммо биз учун муаллифнинг ғоявий-бадиий нияти, фалсафий-эстетик маслағи муҳимдир. У зулм қанчалик тантана қилмасин, бир кун келиб интиҳосига етиши, золим эса албатта жазога мустаҳиқ эканлигини таъкидлайди. Зеро, муаллиф нуқтаи назарига кўра ҳам ҳукмдорлар ўткинчи, халқ эса боқийдир. Шунинг учун Заҳҳокдек золим ва худбин тож эгаси Кова сингари оддий халқ вакили бўлган темирчининг саъй ҳаракати билан йўқликка маҳкум бўлади.

Алишер Навоий ўз даври тушунча ва савиясидан бирмунча юқорига кўтарила олган, тарихий факт ва маълумотларга реал қарашга интилганлиги кўзга яққол ташланиб туради. Масалан, у Заҳҳокнинг елкаларида мараз (яра) пайдо бўлганлигини, унга янги қатл этилган кишилар мияси малҳам бўлишини айтгачгина, ривоятларда келтирилган илонлар ҳақидаги тафсилотларни қистириб ўтади. Заҳҳок зулмини янада таъкидлаш маъносида агар қатл этиш учун гуноҳкор киши топилмаса одамлар орасидан чек (қуръа) ташлатиб қурбон танлашини баён этади. Бу эса қисса жанрига хос бўлган воқеалар ривожи, конфликт, ечим сингари элементларнинг мумтоз адабий намуналардаги дастлабки кўриниши эди, дейиш мумкин. Қиссадан ҳисса чиқариш, тарих сабоқларидан ибрат олишга даъват эса муаллифнинг ғоявий-фалсафий муддаосининг тўлақонли акс этишига хизмат қилади.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг тарихга оид асарларида ҳам ҳар бир давр учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган муҳим хусусиятлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Эътибор берилса, Заҳҳокнинг елкаларида ўсиб чиққан илонлар қурбон

қилинган инсонларнинг юраги ёки бошқа бирор аъзоси билан эмас, айнан мияси билан озиқланади. Бугунги кунда ҳам турли вайронкор ғоялар билан қуролланган айрим ёт мафкуравий оқимлар, айниқса, ёшларнинг миясини заҳарлашга, онгини булғашга интилаётганлигини эсга олсак, Алишер Навоий ижодидаги қиссанавислик анъаналарида замонавийлик ҳам мужассамлигини кўрсатади.

Тарихий маълумотлардан кейин келтирилган шеър, Шарқ адабиёти намуналарига хос бўлган “қиссадан ҳисса” вазифасини ўтайди. Унда ёмонлик жазосиз қолмаслиги, ҳар бир нарса-ҳодисанинг чек-чегараси, ўлчови борлиги бадиий ифодаланади:

*Фалак то эрур зулм қилмоққа хос,
Эмас золиму одил андин халос.
Қилиб қатл Заҳҳокни тўймади,
Фаридунни дағи қуруқ қўймади.*

Романтизмнинг устуворлиги, хусусан, Алишер Навоийнинг ижодий принципига кўра, беҳад зулмдан сўнг адолат ғалаба қилмоғи, золим шоҳ ўрнига албатта одил ҳукмдор тахтга ўтириши керак. Шунинг учун ҳам юқорида ҳикоя қилинган Заҳҳокнинг қатлига сабаб бўлган Фаридун вайрон қилинган юртни обод қилиб, осойишталик ўрнатади. Навоий бу ҳақда шундай ёзади:

“Фаридун яхши ахлоқлик олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била марҳам кўйди ва қолғон уммолқаким, одийлар эрдилар, дафъ қилди ва Кова оҳангарни улғ тарбият қилиб, тайаммун учун анинг йиғочқа боғлаб алам (байроқ) қилғон саҳтиёнини мурассаъ қилдиким, дарафши Ковиёни ани дерлар. Ва оламнинг аксар биллодин олди”. [4]

Кўринадики, Алишер Навоий ўз даврининг пешқадам тарихнависигина эмас, балки қисса жанри равнақиға туртки берган адиб сифатида ҳам майдонга чиқади. Ўзининг адолат, тинчлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларини тарихга оид асарларига ҳам сингдиради. Зеро, Суқротнинг фикрича, файласуфлик бу – теран ақл, кенг билимлар доираси ҳамда катта ҳаётий тажрибанинг омухтасидир.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналаридан бўлган “Қиссаси Рабғузий”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” сингари нисбатан кам ўрганилган асарларни атрофлича таҳлилга тортиш, қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функцияларини илмий-назарий текширишимизда қўл келади.

Адабиётлар:

1. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. -2017 йил 4 август.
2. Қаюмов А. Алишер Навоий ижодининг жаҳоншумул аҳамияти. (Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Алишер Навоий. Вақфия. – Т.: “Фан”. 1991.
4. Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 14-жилд. – Т.: “Фан”. 1967.
5. Маънавият сарчашмаси. “Сирли олам” ойномаси. 1994.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).